

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУГЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ
PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЛАЛМИКОР ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

НАХАЛБАЕВ ЖАХАНГИР ТУРСУНБАЕВИЧ

**ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРДА ЭКИШ УЧУН
НЎХАТНИНГ АСКОХИТОЗ КАСАЛЛИГИГА ЧИДАМЛИ,
СЕРҲОСИЛ НАВИНИ ЯРАТИШ**

06.01.05 - «Селекция ва уруғчилик» ихтисослиги бўйича диссертация
химоясиз селекция ютуғи (ихтиро патенти) асосида қишлоқ хўжалиги
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш

ТАҚДИМОТИ

**Илмий раҳбар,
биология ф.д., проф.**

И.Х.Хамдамов

Талабгор:

Ж.Т.Нахалбаев

ТОШКЕНТ – 2021

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) тақдимот аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ер юзида дуккакли дон экинлари орасида ловия ва кўк нўхатдан сўнг экилиш майдони катталиги бўйича учинчи ўринда турадиган экин - хўраки нўхат ҳисобланиб, бугунги кунда 49 та мамлакатлар ҳудудида жами 13,718 млн. гектар майдонга экилмоқда. Ундан олинадиган ялпи хосил 14,246 млн. тоннани, ўртача хосилдорлик 1,038 тоннани ташкил қиласди. «Дунёда энг кўп нўхат етишириувчи давлатлар қаторига Хиндистон (9,937 млн. т.), Туркия (600 минг т.), Россия Федерацияси (506,2 минг т.), Мянма (499,4 минг т.), Покистон (446,5 минг т.), Эфиопия (435,2 минг т.), АҚШ (283 минг т.) каби давлатлар киради»¹. Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тупроқ-иқлим шароитига мос, аскохитоз касаллигига чидамли, юқори ҳосилдор нўхат навларни яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дунё бўйича нўхатдан юқори ва сифатли дон ҳосили олишда *Ascochyta rabiei* фитопатоген замбуруғи таъсирида юзага келадиган аскохитоз касаллиги сабабли катта иқтисодий зарап кўрилмоқда. Нўхатга энг агрессив бўлган *Ascochyta rabiei* авлодига киравчи замбуруғларнинг заарини камайтиришда энг самарали усуулардан бири уларга чидамли нўхатнинг янги навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобланади. Ҳиндистон, Покистон, АҚШ, Канада, Австралия, Туркия, Эрон каби мамлакатларда молекуляр генетика, биокимё, фитопатология ҳамда анъанавий селекциянинг замонавий услубларидан фойдаланган ҳолда *Ascochyta rabiei* авлодига киравчи замбуруғлар таъсирида юзага келадиган аскохитоз касаллигига чидамли нўхат навларини яратиш борасида селекция ва уруғчиликка йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари жадал суратларда олиб бормоқда.

Республикамизда нўхатнинг эртапишар, юқори оқсилли, механизация билан ўришга мослашган, юқори маҳсулдорликни таъминлайдиган белгиларни ўзида мужассамлаштирган, шу билан бирга қурғоқчиликка ҳамда *Ascochyta rabiei* авлодига киравчи фитопатоген замбуруғига комплекс чидамли бўлган нўхат навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бу муаммоларнинг ечимини топишдаги амалий йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони 3.3-бўлимида «..юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зааркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий

¹ www.ab-centre; <http://www.statista.com/statistics/r37705/global-heat.production>.

-тадқиқот ишларини кенгайтириш»² вазифалари белгилаб берилган. Бу борада нўхатнинг ташқи муҳит ноқулай омилларига, қурғоқчиликка, иссиқликка, аскохитоз қасаллигига чидамли серхосил навларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V.“Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикаизда лалмикор ерларда нўхатнинг ташқи муҳти ноқулай омилларига ҳамда қасалликларга чидамли, механизация йўли билан ўришга мослашган, юқори ҳосилли янги навларини яратиш учун Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Фаллаорол илмий-тажриба станциясида Г.Н.Мазурин, П.П.Олейник, Қ.Э.Эшмирзаев, К.Т.Исаков, Н.Э.Эргашев, А.Холбоев, А.Аманов, Г.И.Одинцовалар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Шу кунгача нўхатнинг ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига, қасалликларга чидамли ва серхосил янги навларини яратиш мақсадида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида лалмикор майдонларда экиш учун Юлдуз, Лаззат, Ўзбекистон-32, Жаҳонгир, Ирода-96 навлари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган. Ушбу навлардан республикаизнинг лалмикор майдонларида узоқ йиллар давомида экилиб келиши натижасида қимматли хўжалик белги ва хусусиятларининг пасайиши оқибатида дон ҳосилдорлиги ҳозирги замон талабларига жавоб бермаяпти. Бугунги кунда иқлимининг глобал ўзгариши ва ташқи муҳит таъсири натижасида фитопатоген микроорганизмларнинг янги штамлари (раса ва изолятлари) пайдо бўлмоқда. Улар томонидан ажратиладиган токсинлар натижасида аввалги яратилган нўхат навлари заарланиши кузатилмоқда. Шу мақсадда, ҳозирги фитопатоген замбуруғлар кўпайиши учун оптималь шароит юзага келган йилларда ҳам ушбу микроорганизмларга бардошли серхосил навларни яратиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 фармони

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Олиб борилган тадқиқотлар Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Галлаорол илмий тажриба станциясининг (хозирда Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти) № ҚХА-8-052-2015 «Лалмикор майдонларда дуккакли дон экинларининг (нўхат, хашаки нўхат, бурчоқ) биотик ва абиотик омилларига чидамли, эртапишар, серҳосил юқори оқсилли навларини яратиш ва танлаш» (2015-2017 йй.), № ҚХ-А-2018-101 «Лалми ерлар учун дуккакли дон ва ем-хашак экинларининг ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига ҳамда касалликларга чидамли, юқори сифатли, серҳосил янги навларини яратиш» (2018-2020) мавзуларидаги амалий лойихалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади лалми ерлар учун аскохитоз касаллигига чидамли юқори хосил берадиган нўхатнинг янги навини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга кенг майдонларда жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Курғоқчилик минтақаларда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари Ҳалқаро Илмий Маркази (ICARDA) дан келтирилган нўхат нав намуналарини ҳамда селекцион питомникларда мавжуд нав, тизма ва дурагайларни биологик, морфологик ва комплекс қимматли хўжалик белгиларини баҳолаш;

лалмикор минтақаларга мос нўхатнинг янги навларини яратиш учун қимматли хўжалик белгиларига эга, ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли бўлган нав намуналари ёки тизмаларини бошланғич манба сифатида ажратиб олиш;

қимматли хўжалик белгилар бўйича танлаб олинган, рақобат нав синаш майдонида ўрганилаётган нав ва тизмаларни аскохитоз касаллигига чидамлилигини табиий дала шароитида, лабароторияда ҳамда сунъий зааралантирилган майдонда синовдан ўтқазиш;

нўхат нав намуналарини қурғоқчиликка, иссиқликка, аскохитоз касаллигига чидамлилигини ўрганиш ҳамда қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган намуналардан селекция жараёнида фойдаланиш;

лалмикор ерлар учун ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига ҳамда аскохитоз касаллигига чидамли нўхатнинг янги юқори хосилли навларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида ICARDA ҳалқаро илмий марказидан келтирилган нўхат нав намуналари, селекция питомникларидаги мавжуд дурагай ва тизмалар, рақобат нав синаш майдонидаги 14442, 13130/1, M-74, 15025, 15025, 15165, 17590, 18589, 18584, 15917, 17627, 17358, 17421, 17443 тизмалари ҳамда маҳаллий Юлдуз, Лаззат навларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети нўхатнинг Ифтихор нави ва янги олинган тизмаларнинг биологик хусусиятлари, морфологик ва комплекс қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Дала тажрибаларини олиб бориш қишлоқ хўжалик экинлари Давлат нав синаш маркази томонидан қабул қилинган (1985), нўхатнинг морфологик, биологик ва хўжалик белгиларини баҳолаш, фенологик кузатишлар олиб бориш Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик институти (Классификатор Рода Cicer L., 1980), аскохитоз билан сунъий зааралантирилган майдон хосил қилиш ва навларнинг заарланишини баҳолаш ICRISAT (2010), қурғоқчиликка чидамлилигини баҳолаш ICARDA (2003), тажрибалардан олинган маълумотларни дисперсион математик таҳлил қилиш Б.А.Доспехов (1985) услублари бўйича амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон лалмикор минтақаларида аскохитоз касаллигига чидамли серхосил навлар яратишида ICARDA нўхат нав намуналари ҳамда маҳаллий Юлдуз нави иштирокида мураккаб чатиштириш асосида дурагай комбинациялар олинган;

дурагай комбинацияларнинг биологик хусусиятлари ва морфологик белгилари, аскохитоз касаллигига чидамлилиги ўрганилган ҳамда комплекс қимматли хўжалик белгиларга эга истиқболли тизмалар ажратилган. Ушбу тизмалар асосида якка танлаш йўли билан янги “Ифтихор” нави яратилган;

“Ифтихор” навига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк агентлиги томонидан селекция ютуғига патент олинган (№ NAP 00332);

нўхатнинг яратилган янги “Ифтихор” нави қурғоқчиликка, иссиқчиликка, аскохитоз касаллигига ўрганилган бошқа нав намуналариға нисбатан бардошлилиги, лалмикор майдонларда етиштиришга мослиги, экишга тавсия этилган навларга нисбатан ҳосилдорлиги 12-15 фоиз ва дон таркибидаги оқсил миқдори 1,4-2,5 фоизга юқори эканлиги билан бошқа навлардан фарқ қилиши тасдиқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

ICARDA нўхат нав намуналари ҳамда маҳаллий Юлдуз нави иштирокида мураккаб чатиштириш орқали олинган дурагай комбинацияларни морфологик, биологик ва хўжалик белгилар бўйича баҳолаш асосида, қимматли хўжалик белгиларга эга бўлган тизмалар танланган;

турли лалмикор тупроқ иқлум шароитларида экиш учун ташқи мухит ноқулай омилларга ва аскохитоз касаллигига чидамли, серхосил, нўхатнинг “Ифтихор” навига патент олинган (05.03.2021 йилда № NAP 00332);

тадқиқот ишлари натижасида яратилган “Ифтихор” нави 2020 йилдан бошлаб Жizzах ва Самарқанд вилоятларининг лалмикор ерларида экиш учун қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестри рўйхатига киритилган;

2020 йилда янги “Ифтихор” нави Жizzах вилояти Фаллаорол тумани фермер хўжаликларида жами 27 гектар турли тупроқ иқлум шароитларидаги лалмикор майдонларда жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигига билим ва

инновациялар миллий маркази томонидан олиб борилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолангандиги ва бирламчи хужжатларнинг мавжудлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, илмий-тадқиқот ишлари математик-статистик таҳлил қилингандиги, тадқиқот натижалари республика, ҳалқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилингандиги, илмий нашрларда чоп этилганлиги ҳамда натижалари амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лалмикор майдонларда нўхатнинг келиб чиқиши турли экологик-географик гуруҳларга мансуб бўлган аскохитоз касаллигига чидамли хорижий нав намуналари ва маҳаллий иқлим шароитига мослашган Юлдуз нави иштирокида олинган дурагайларни селекция жараёнинг кейинги босқичларида баҳолаб бориш ҳамда якка танлаш ўтказиш орқали аскохитоз касаллигига чидамли серхосил янги нав яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мураккаб чатишириш орқали олинган дурагайларни селекция жараёнининг кейинги босқичларида баҳолаб бориш ва якка танлаш йўли билан аскохитоз касаллигига чидамли серхосил янги нав яратилиб, мазкур нав республикамизнинг лалмикор майдонлари учун қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестри рўйхатига киритилганлиги ва ишлаб чиқаришга кенг жорий этилаётганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ICARDA нўхат нав намуналари ҳамда маҳаллий Юлдуз нави иштирокида мураккаб чатишириш орқали олинган дурагай комбинациялардан қўп йиллар давомида селекция жараёнининг барча босқичларида ўрганиш, баҳолаш ва танлаш асосида олиб борилган тадқиқотлар натижасида:

Нўхатнинг комплекс қимматли хўжалик белгиларига эга аскохитоз касаллигига чидамли янги “Ифтихор” навига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк агентлиги томонидан NAP 00332 (05.03.2021) рақамили патент олинган ҳамда ушбу нав 2018-2019 йиллар конкурс синови натижалари ва Эксперт комиссияси хulosасига асосан, Жиззах ва Самарқанд вилоятларининг лалми майдонларида экиш учун 2020 йилдан қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестирига киритилган (Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг 2021 йил 23 августдаги т-6/01-08-516-сонли маълумотномаси). Натижада нўхатнинг Ифтихор навидан андоза Юлдуз навига нисбатан ўртача 1,0-2,0 центнер қўшимча дон ҳосили олинган. Шу билан бирга, 1000 дона уруғ вазни 284-318 г, тўкилишга ва ётиб қолишга чидамлилик 5 баллни ташкил этган;

нўхатнинг янги “Ифтихор” нави 2017-2020 йилларда Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Фаллаорол илмий-тажриба станциясида жами 24 гектар майдонга, Фаллаорол тумани Қипчоқсув СИУ “Сардор Диёр Рассоқов” фермер хўжалигига 10,0 гектар, Зарбулоқ СИУ “Чувиллок

лалмикор” фермер хўжалигида 10,0 гектар, Кўкбулоқ ҚФЙ “Лалмикор барака” фермер хўжалигида 7,0 гектар майдонга, жами 27 гектар лалмикор майдонларда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги Вазирлигининг 2021 йил 27 октябрдаги 02/021-4399-сон маълумотномаси). Натижада “Ифтихор” навидан андоза навга нисбатан 2,1 ц/га қўшимча дон ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 36,2-39,8 фоизни ташкил этган;

шунингдек, Ж.Т.Нахалбаев ҳаммуаллифлигига «Лалмикор майдонларда дуккакли дон ва ем-хашак экинларини етишириш етишириш» номли тавсиянома ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 29 майдаги 02/021-4399-сон маълумотномаси). Натижада республикамизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида, жумладан лалмикор майдонларда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари томонидан фойдаланиб келинмоқда.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Дала тажрибалари Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Лалмикор дехқончилик илмий-тадқиқот институти аprobация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган ҳамда тадқиқот натижалари бўйича 4 та, жумладан 1 та ҳалқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси нуфузли хорижий журналларда нашр қилинган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистон иқлим шароити ўзгарувчан бўлиб, қишлоқ хўжалик экинлари учун курғоқчил, оптимал, серёғин йиллар қузатилиб туради. Об ҳаво серёғин келган йилларда қишлоқ хўжалик экинларини заарлайтидан фитопатоген замбуруғлар ривожланиши учун қулай шароит юзага келади. Шундай фитопатоген замбуруғларлардан бири - *Ascochyta rabiei* ҳисобланиб, у нўхат ўсимлигига энг кенг тарқалган аскохитоз касаллигини кўзғатади. Ташқи муҳит таъсири натижасида йиллар давомида *Ascochyta rabiei* замбуруғи генетик модификацияларга учраб, янги раса ва изолятларини ҳосил қилмоқда. Аввал яратилган нўхат навлари янги раса ва изолятлар таъсирида маълум даражада заарланиши оқибатида катта иқтисодий зарар кўрилаётганлиги кузатилаяпти. Шу сабабли бугунги кунда нўхатда аскохитоз касаллигини келтириб чиқарувчи - *Ascochyta rabiei* замбуруғининг янги раса ва изолятларига чидамли навларни танлаш, уларнинг биологик хусусиятларини, морфологик ва маҳсулдорлик белгиларини ўрганиш зарурияти туғилган. Аскохитоз касалигига бардошли деб топилган нав намуналарини маҳаллий шароитга мослашган юқори маҳсулдор навлар билан дурагайлаш асосида ушбу касалликка бардошли,

юқори ҳосилли навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга кенг миқёсда жорий қилиш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Нўхатда аскохитоз касаллигининг қўзғатувчиси, унинг ривожланиши учун шарт шароитлар, касаллик белгилари ва зарари. Нўхатда аскохитоз касаллиги қўзғатувчиси - *Ascochyta rabiei* фитопатоген замбуруғи уруғ ва ўсимлик қолдиқларида пикнида ва хламидоспорлар холида қишлиди. Хламидоспоралар тупроқда 4 йилгача сақланиши мумкин.

Ascochyta rabiei замбуруғи спораларининг картошкали агарда хар хил хароратда ($32\text{-}33^{\circ}$ -термостатда, 23° , 18° , 13° , 8° -политермостатда, 3° -холодилниқда) ўстириш натижалари шуни кўрсатганки $t=32\text{-}33^{\circ}$ да мицелий пайдо бўлиб тезда ривожланишдан тўхтайди, $t=18\text{-}23^{\circ}$ да замбуруғ жадал ривожланади, $t=8\text{-}13^{\circ}$ да секин ривожланади, $t=3^{\circ}$ да ривожланишдан бутунлай тўхтайди (1-жадвал).


1-жадвал.

Замбуруғнинг картошкали агарда турли ҳароратли шароитларда ривожланиши

Температура	Мицелий пайдо бўлиши	Колониянинг ўсиши			Пикниданинг пайдо бўлиши	Конидиянинг чиқиши	Ажратма пайдо бўлиши
		1-3 мм	3-6 мм	9-15 мм			
$32\text{-}33^{\circ}$	1-2 мм мицелий пайдо бўлади ва замбуруғ ривожланишдан тўхтайди						
23°	2-кун	3-4-кун	5-6-кун	12-кун	4-7- кун	7-10-кун	10-кун
18°	3-кун	4-6-кун	6-7-кун	13-кун	5-8-кун	8-12-кун	12-кун
13°	4-кун	9-кун	10-кун	16-кун	10-кун	20-кун	20-кун
8°	5-кун	10-кун	12-кун	16-кун	16-кун	25-кун	25-кун
3°	Замбуруғ ривожланмайди						

Аскохитоз касаллиги ёғингарчилик кўп бўлиб, ҳаво нисбий намлиги 65% дан юқори бўлган шароитда нўхат баргларида доғлар кўринишида пайдо бўлишидан замбуруғ споралари тўлиқ етилишигача 10-12 кун ўтади. Ўзбекистон шароитида касалликнинг ривожланиши учун яъни пикнидалар пайдо бўлиши ва конидиялар ўсиши учун мақбул ҳаво ҳарорати ўртacha $+20^{\circ}\text{C}$ иссиқлик ҳисобланади. Ҳаво ҳарорати $+10^{\circ}\text{C}$ дан пасайганда ҳамда $+30^{\circ}\text{C}$ дан ошганда ҳам нўхат ўсимлигининг ер устки аъзолари қисмларида замбуруғларни ўсишига ва ривожланишига салбий таъсир этади. Хусусан ҳаво ҳарорати 6°C дан пастда ва намлик шароити 6 соатдан кам бўлганда бу касаллик ривожланмаслигини, аксинча авж олиб ривожланиши ҳаво ҳарорати 9°C дан 24°C гача ҳамда намлик шароити 10 соатдан кўп вақтда бўлганда содир бўлиши аниқланган.

Ascochyta rabiei замбуруғи томонидан ажратилган токсинлар натижасида ўсимлик тўқималари гистологик ўзгаришларга учрайди, хужайра девори емирилиши ва ассимлияция жараёнларининг бузилиши кузатилади. Ўсимлик барг, поя, дуккак ва донларида кулранг-қўнғир, баъзан тўқ-қўнғир, сўнгра қораювчи, узунчоқ ёки кўпинча думалоқ доғлар пайдо лади (1-расм).



1-расм. Нўхат ўсимлигининг аскохитоз касаллиги билан заарланган барглари (A, B), пояси (C,D), дукакаги (E), ҳамда уруғлари (F)

Тадқиқотлар олиб борилган йилларда об ҳаво шароитлари: Ифтихор навининг яратилишининг бошланиши - ота-она ўсимликлар чатиштирилган 2004 йилдан янги нав сифатида давлат реестрига киритилган 2020 йилгача ҳар йили бир-биридан фарқ қиласиган об-ҳаво шароитларида синовдан ўтқазилган. Жумладан, Ғаллаорол агрометеостанцияси маълумотларига кўра ўртacha кўп йиллик ёғин миқдори 366,6 мм ни ташкил қиласиган бўлса, 2005-2006; 2006-2007; 2010-2011; 2017-2018 қишлоқ хўжалик йилларида йиллик ёғингарчилик миқдори ўртacha кўп йилликка нисбатан 120-176 мм кам бўлганлиги натижасида қурғоқчилик кузатилган. Ушбу йилларда ўтқазилган тажрибалар натижасида табиий шароитда қурғоқчиликка чидами нав ва тизмаларни танлаб олиш имконияти юзага келган. 2008-2009; 2009-2010; 2011-2012; 2015-2016; 2018-2019; 2019-2020 қишлоқ хўжалик йилларида йиллик ёғин миқдори ўртacha кўп йилликка нисбатан 72-113 мм кўп бўлиши, ҳамда ҳавонинг нисбий намлиги фитопатоген замбуруғлар ривожланиши учун оптимал бўлиши натижасида нав намуналар, тизмалар ва дурагайлар маълум даражада заарланганлиги кузатилган. Натижада ушбу қишлоқ хўжалик йиллари аскохитоз касаллигига нисбатан бардошли манбаларни танлаб олиш учун кулай тадқиқотлар олиб бориш йиллари бўлган.

2014-2015 қишлоқ хўжалик йилида йиллик ёғин миқдори 373,9 мм ни ташкил қиласиган (2-жадвал). Бу кўрсаткич ўртacha кўп йиллик ёғин миқдорига яқин (366,6 мм) бўлсада, лекин нўхат ўсимлиги вегетацияси даври учун мухим бўлган апрел ойида ёғингарчилик миқдорининг жуда кам кам бўлганлиги (14,3 мм) натижасида маълум даражада қурғоқчилик кузатилди.

2015-2016 қишлоқ хўжалик йилида йиллик ёғин миқдори 434,1 мм ни, нўхат ўсимлиги вегетацияси даврида эса 250,6 мм ёғингарчилик бўлганлиги кузатилган. Май ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунликларида тегишлича ҳаво ҳароратнинг ўртacha 20,0-19,3 °С, ёғингарчилик миқдори 38,8-23,8 мм, ҳавонинг нисбий намлиги 74-75 % бўлишлиги аскохитоз касаллигини

келтириб чиқарувчи замбуурғнинг ривожланиши учун қулай шароит юзага келтирди ва ушбу касалликка бериувчан нав намуналари маълум даражада заарланганлиги аниқланди.

2-жадвал.

2015-2020 қишлоқ хўжалик йилларида об- хаво шароитлари (Фаллаорол агрометеостанцияси маълумотлари).

Қишлоқ хўжалик йиллари	Ойлар									Ўртacha ёки
	X	XI	XII	I	II	III	IV	V	VI	
	Ёғин миқдори, мм									
2014-2015	32,8	63,2	15,9	60,5	88,3	56,0	14,3	33,7	9,2	373,9
2015-2016	70,2	41,0	8,5	51,2	13,2	86,6	54,3	67,1	42,0	434,1
2016-2017	41,3	16,2	39,0	49,2	117,4	75,7	53,5	18,3	0,3	410,9
2017-2018	3,1	30,5	24,3	4,2	52,2	70,0	21,9	32,4	2,8	241,4
2018-2019	58,1	33,9	24,5	44,7	25,0	98,2	172,6	11,7	14,7	483,4
2019-2020	5,3	32,2	16,3	57,8	61,3	39,5	91,5	91,4	0	395,5
Ў К Й *	18,0	38,3	54,2	39,7	48,2	65,7	58,2	36,2	8,1	366,6
	Хаво ҳарорати, (°C)									
2014-2015	11,0	4,3	0,6	1,1	4,7	6,2	15,2	20,7	26,2	10,0
2015-2016	12,8	6,5	2,8	3,4	4,1	11,0	13,7	20,7	25,9	11,2
2016-2017	10,3	2,5	2,2	1,8	0,4	6,6	13,1	22,2	25,8	9,4
2017-2018	12,9	7,3	-0,1	-0,6	1,4	11,7	13,9	19,2	25,5	10,1
2018-2019	11,4	4,4	2,4	3,3	3,6	10,1	14,1	19,3	23,8	10,3
2019-2020	13,2	3,7	3,5	1,4	4,6	9,4	14,2	19,6	24,4	10,4
Ў К Й *	11,8	5,8	0,5	-0,8	1,2	7,0	13,5	18,7	24,4	9,1
	Ҳавонинг нисбий намлиги, (%)									
2014-2015	71	85	78	85	84	72	66	56	40	70
2015-2016	72	81	75	82	76	76	76	68	51	73
2016-2017	63	74	85	83	84	78	69	57	42	70
2017-2018	59	64	84	76	75	73	62	52	39	65
2018-2019	64	81	87	83	79	72	80	59	45	72
2019-2020	55	78	80	88	78	70	73	67	51	71
Ў К Й *	59	73	81	83	80	74	67	59	45	69

Изоҳ: **Ў К Й *** - ўртача кўп йиллик

2016-2017 қишлоқ хўжалик йилида йиллик ёғин миқдори 410,9 ммни ташкил қилган. Феврал ойида 117,4 мм ёмғир ёғиши, йиллик ёғин миқдорининг 410,9 мм бўлғанлиги, ҳамда ушбу ойларда ҳаво ҳароратининг аномал иссиқ кунлари кузатилмаганлиги натижасида тупроқда намлик миқдори ўсимлик яхши ривожланиб, юқори хосил бериши учун етарли бўлди. Май ойининг биринчи ўн кунлиги иккинчи ярмида 11,1 мм ёмғир ёғиши, ҳаво ҳароратининг ўртача 19,2 °C, ҳавонинг нисбий намлиги 65-71 % ни ташкил этиши, ҳамда кечаси 10-11 соатдан шудринг тушиши натижасида аскохитоз касаллигини келтириб чиқарувчи замбуурғнинг ривожланиши учун қулай шароит юзага келган ва ушбу касалликка бериувчан нав намуналари маълум даражада заарланганлиги кузатилди.

2017-2018 қишлоқ хўжалик йилида йиллик ёғин миқдори 241,4 мм ни, вегетация даврида эса 127,1 мм ни ташкил қилди. Вегетация даврида ва йиллик ёғин миқдорининг кам бўлганлиги сабабли, тупроқдаги намлик ўсимлик яхши ривожланиб, юқори хосил бериши учун етарли бўлмай курғоқчилик кузатилди.

2018-2019 қишлоқ хўжалик йилида йиллик ёғин миқдори 483,4 мм ни, вегетация даврида эса 297,2 мм ёғингарчилик бўлганлиги кузатилган. Апрел ойида 172,6 мм ёмғир ёғиши натижасида тупроқ зичлигининг ортиши натижасида ҳамда, иккинчи ва учинчи ўн кунликларда ҳаво ҳарорати, ҳавонинг нисбий намлиги аскохитоз касаллиги ривожланиши учун қулай иқлим шароитини юзага келтирди ва ушбу касалликка берилувчан нав намуналари маълум даражада заарланганлиги кузатилди.

2019-2020 қишлоқ хўжалик йилида йиллик ёғин миқдори 395,5 мм ни, вегетация даврида эса 222,4 мм ёғингарчилик бўлганлиги кузатилган. Апрел ва май ойларида 91,5-91,4 мм ёмғир ёғиши ҳаво ҳароратининг ўртача 16,8-18,8 °C бўлиши, ҳамда ҳавонинг нисбий намлиги 65 % дан юқори (66-75%) бўлишлиги натижасида аскохитоз касаллигини келтириб чиқарувчи замбуруғлар ривожланиши учун оптимал шароит юзага келди. Аскохитоз касаллигига берилувчан нав намуналар табиий дала шароитида бошқа йилларга нисбатан кучли даражада заарланди ёки бутунлай нобуд бўлди.

“ИФТИХОР” НЎХАТ НАВИННИНГ ЯРАТИЛИШИ

“Ифтихор” навини яратишда она ўсимлик сифатида қурғоқчилик ва иссиқлика чидамли бўлган маҳаллий шароитга мослашган Юлдуз навидан, ота ўсимлик сифатида аскохитоз касаллигига чидамли, баланд бўйли № 364 (♀ ILC 3279 x ♂ FLIP 88-85C) рақамли тизмадан фойдаланилган (3-жадвал).

3-жадвал.

Дурагайлашда фойдаланилган (ота-она) навларнинг қисқача тавфиси

♀ ILC 3279	♂ FLIP 88-85C
Жуда кечпишар	Ўртапишар
Жуда баланд бўйли	Ўрта бўйли
Қурғоқчиликка чидамсиз	Қурғоқчиликка чидамли
1000 дона дон вазни – 260-284 г	1000 дона дон вазни - 340-355 г
Аскохитозга чидамли	Аскохитозга ўртача чидамли
Ҳосилдорлиги паст	Ҳосилдорлиги юқори
♀ Юлдуз	♂ № 364
Ўртапишар	Кечпишар
Ўрта бўйли	Баланд бўйли
Қурғоқчиликка чидамли	Қурғоқчиликка ўрта чидамли
1000 дона дон вазни – 320-332 г	1000 дона дон вазни – 325-340 г
Аскохитоз касаллигига - чидамсиз	Аскохитоз касаллигига - чидамли
Ҳосилдорлиги-юқори	Ҳосилдорлиги-ўрта

Нўхатнинг янги "Ифтихор" навини яратиш жараёни бир неча йиллар давом этди ҳамда мавжуд селекция ва навларни синаш қоидаларига мувофиқ амалга оширилди (4-жадвал).

4-жадвал.

"Ифтихор" нўхат навининг яратилиш тарихи

№	Кўчатзорлар номи	Йиллар
1	Чатиштириш ♀ Юлдуз x ♂ № 364 [♀ ILC 3279 x ♂ FLIP 88-85C]	2004 й.
2	F ₁ -F ₃ дурагай авлодларини ўрганиш	2005-2007 йй.
3	Якка танлов ўтказиш (14442 тизма танлаб олинган)	2007 й.
4	1 йил селекция майдони	2008 й.
5	2 йил селекция майдони	2009 й.
6	Назорат майдони	2010-2011 йй.
7	Рақобат нав синаш майдони	2012-2017 йй.
8	Давлат нав синови	2018-2020 йй.
9	Давлат реестрига киритилди	2020 й.

5-жадвал.

Селекция ютуғига патент олинган нўхатнинг "Ифтихор" нави тавсифи

"Ифтихор" нави Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Галлаорол илмий-тажриба станциясида яратилган. Нав муаллифлари: Исаков. К.Т., Эргашев Ж.Н., Умурзаков А.А., Ҳайдаров Б.Д., Нахалбаев Ж.Т

Навнинг моорфологик, биологик ва хўжалик белгилари кўрсаткичлари

Ўсув даври, кун	-	80-84	
Ўсимлик бўйи, см	-	36,2-46,0	
Остки дуккакнинг ердан баландлиги, см	-	18,5-22,4	
1 та ўсимликда дуккаклар сони, дона	-	17-19	
Аскохитоз касаллигига чидамлиги	-	Юқори	
Дон ҳосилдорлиги, ц/га	-	7,1 -12,7	
1000 дона дона вазни, г	-	335-350	
Дон ҳажм оғирлиги, г/л	-	765-775	
Дон таркибидаги оқсил миқдори, %	-	27,0-28,0	
Механизация билан ўришга яроқлиги	-	Юқори	

Навнинг келиб чиқиши: "Ифтихор" нави мураккаб чатиштириш усули билан яратилган. 2020 йилда давлат реестрига киритилди.

Тажрибалар олиб борилган йилларда “Ифтихор” нави дон ҳосилдорлиги ўртача гектарига 10,1 центнерни, андоза Юлдуз навида бу кўрсаткич 8,1 центнерни ташкил этиб, андозага нисбатан 2,0 центнер юқори ҳосилдорликка эга бўлди. Бундан ташқари бошқа қимматли-хўжалик белгилари бўйича ҳам андоза навдан устунлиги аниқланди. Нўхатнинг “Ифтихор” навида 1000 дона дон вазни ўртача 342 г, бир ўсимлиқда дуккак сони 18,8 дона, дон таркибидаги оқсил миқдори 27,8 % бўлиб, бу кўрсаткичлар андоза “Юлдуз” навида тегишлича 314 г, 16,4 дона, 25,7 % ни ташкил этди. “Ифтихор” нави аскохитоз касаллигига андоза “Юлдуз” навига нисбатан бардошлилиги билан ажралди (б-жадвал).

6-жадвал.

“Ифтихор” навининг қимматли хўжалик белги ва хусусиятлари (Фаллаорол, 2015-2017 йиллар)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Юлдуз (андоза)			Ўртacha	Ифтихор			Ўртacha
		2015	2016	2017		2015	2016	2017	
Ўсув даври	кун	80	81	78	80	80	82	81	81
Ўсимлик бўйи	см	32,8	33,1	33,7	33,2	36,2	46,0	36,7	39,6
Остки дуккакнинг ердан баландлиги	см	15,7	12,9	18,4	15,7	18,5	22,4	20,7	20,6
1 та ўсимлиқдаги дуккаклар сони	дона	12,0	17,5	19,0	16,2	14,0	18,4	22,5	18,3
Ҳосилдорлик	ц/га	5,8	8,5	10,1	8,1	7,1	10,5	12,7	10,1
1000 дона дон вазни	г	320	290	332	314	340	335	351	342
Донда оқсил миқдори	фоиз	25,6	25,8	25,7	25,7	28,2	27,8	27,5	27,8
Аскохитоз билан зарарланиши	балл	4	5	4	4,3	1	3	1	1,7

Лалмикор ерларда нўхат экини яхши ўсиб ривожланиши учун ҳар йили ҳам об ҳаво шароити оптималь бўлмайди. Қишлоқ хўжалигига об ҳаво шароитлари қурғоқчилик, ўртача кўп йилликка яқин ва серёгин келган йиллар такрорланиб туради. Об ҳаво шароитлари қурғоқчилик келган йилларда асосан эртапишар навлардан бошқа навларга нисбатан юқори ҳосил олинадиган бўлса, серёгин келган йилларда фитопатоген замбуруғларга чидамли навлар юқори ҳосил беради. Нўхатнинг “Ифтихор” нави қимматли морфологик, биологик ва хўжалик белгиларига эга бўлиб, ёғингарчилик кўп бўлган йилларда ҳам энг кўп учрайдиган аскохитоз касаллигига бошқа навларга нисбатан бардошлилиги, механизация йўли билан ўриб олишга мослашганлиги, текислик қир-адирлик минтақаларда иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамли бўлганлиги сабабли юқори ҳосил олиш имконини беради.

Нўхат нав намуналари уруғлар унувчанлигини *Ascochyta rabiei* замбуруғи томонидан ажратиладиган токсинларга чидамлилигини *in vitro* усулида аниқлаш

Тажрибаларимиз давомида ўрганилаётган нўхат навлари уруғлари унувчанлигига аскохитоз касаллигини келтириб чиқарадиган замбуруғ томонидан ажратиладиган токсинлар таъсири – ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти “Фитопатоген микроорганизмлар коллекцияси-ноёб илмий обьекти” лабораториясида ўрганилди.

Нўхат навларини фитопатоген микромицетга (*Ascochyta rabiei*) чидамлилигини *in vitro* усулида аниқлашда ВИЗР услубидан фойдаланилди.

Замбуруғ намуналари Чапек-Докса озуқа муҳитида 1000 мл колбада 25-27⁰С ҳароратда 15 кун давомида ўстирилди. Ўстириш жараёни тугагандан кейин озуқа муҳитидаги мицелийни ажратиб олиш учун филтрдан ўтказилди. Замбуруғларнинг културал суюқлигидаги микотоксинларнинг таъсири ўсимликларнинг 30 тадан уруғига нисбатан синаб кўрилди. Текшириш учун олинган 30 тадан уруғлар 2 соат давомида замбуруғларнинг културал суюқлигига ивитиб (инокуляция) кўйилди (2-расм). Назорат вариантидаги уруғлар Чапек-Докса озуқа муҳитига ва дистилланган сувга ивтилди. Ивтиилган уруғлар пинцет ёрдамида Петри ликобчасида ҳосил қилинган нам камерада 7-10 кун давомида униш тезлигини кузатиш учун 18-20⁰С ҳароратли сунъий камерага кўйилди (3-расм).



2-расм. Уруғларни замбуруғнинг културал суюқлигига ивтиши



3-расм. Уруғлар унувчанлигини термостатда текшириш

Тажрибанинг ўнинчи кунида уруғларнинг униш тезлиги, асосий илдиз ва поянинг морфологик ҳолати бўйича тахлил қилинди.

Ўрганилган ўсимликларнинг патогенлик хусусиятларининг намоён бўлишига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинди:

Кучли чидамли - 0,0-30,0% уруғлар униб чиқмаган.

Кам чидамли - 31,0-50,0% уруғлар униб чиқмаган.

Ўртача чидамсиз - 51,0-70,0% уруғлар униб чиқмаган.


Кучли чидамсиз - 71,0-100,0% уруғлар униб чиқмаган.

Таъкидлаш жоизки, ўрганилган нўхат нав намуналари ва тизмалари уруғларининг унувчанлиги назоратда 90-100 % ни ташкил этди (7-жадвал).

7-жадвал.

Нўхат нав намуналари уруғлар уннувчанилигига *Ascochyta rabiei* замбуруғи томонидан ажратиладиган токсинлар таъсири


№	Навларнинг номи	Унган ва унмаган уруғлар миқдори, %									
		Назорат		I		II		III		Ўртача	
		Унган	Унмаган	Унган	Унмаган	Унган	Унмаган	Унган	Унмаган	Унган	Унмаган
1	Юлдуз (st 1)	100	0	30	70	40	60	30	70	34	66
2	Лаззат (st 2)	100	0	80	20	90	10	90	10	93	7
3	14442 (Ифтихор)	100	0	90	10	80	20	90	10	93	7
4	Гулистон	100	0	90	10	80	20	80	20	83	17
5	Мустақиллик-20	90	10	40	60	50	50	50	50	46	54
6	Умид	95	5	80	20	70	30	80	20	77	23
7	ILC 3279	100	0	90	10	80	20	90	10	93	7
8	ILC 263	95	5	40	60	30	70	40	60	36	54
9	МП 2015/1	90	10	30	70	20	80	30	70	26	74
10	МП 2015/2	100	0	60	40	50	50	60	40	56	44
11	13130/1	90	10	40	60	50	50	50	50	46	54
12	15165	95	5	50	50	40	60	50	50	46	54
13	15917	90	10	70	30	80	20	80	20	77	23
14	17443	90	10	80	20	70	30	70	30	73	27
15	17553	100	0	80	20	80	20	80	20	80	20
16	17440	95	5	60	40	50	50	60	40	56	44



a



b



d

4-расм. Нўхат нав намуналар уруғлар уннувчанилигига *Ascochyta rabiei* микромицетидан ажralган микотоксинларнинг таъсири

Ascochyta rabiei микромицетидан ажralган микотоксинларга Юлдуз нави уруғлари ўртача чидамсиз (4-расм, a), Ифтихор, Лаззат навлари уруғлари кучли чидамли (4-расм , b,d) эканлиги тажрибаларимиз давомида аниқланди.

Нўхат нав намуналарининг аскохитоз касаллигига бардошлилигини сунъий заарлантирилган майдонда баҳолаш.

Сунъий заарлантирилгадиган майдон ҳосил қилиш ва тажрибалар олиб бориш, касалланиш даражаларини баҳолаш ICRISAT қўлланмаси (*Host plant resistance to Ascochyta blight of chickpea.// Information Bulletin № 82. 2010*) асосида олиб борилди.

Ascochyta rabiei замбуруғининг нўхат ўсимлигига яхши ўсиб ривожланиши, кўпайиши ва тарқалиши учун тажриба ўтқазилаётган даланинг тупроқ ва хаво нисбий намлиги оптимал бўлиши муҳим ахамиятга эга. Шу мақсадда тажриба ишлари суғориладиган майдонда олиб борилди. Нав намуналари 2 метр узунликда, қатор ораси 45 см, уруғлар ораси 10 см, экиш чуқурлиги 5-7 см дан қилиб март ойининг биринчи ўн кунлигига экилди. Тажриба майдонига касаллик яхши тарқалиши учун ҳар икки делянкадан сўнг аскохитоз касаллиги билан кучли заарланадиган ILC 263 - Халқаро индикатор нави экилди.

Республикамизнинг Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари лалмикор майдонларига экилган аскохитоз касаллиги билан заарланган нўхат ўсимликларидан гербариylар тайёрланди. Ушбу гербариylардан ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти “Фитопатоген микроорганизмлар коллекцияси-ноёб илмий обьекти” лабораториясида *Ascochyta rabiei* замбуруғи штаммлари тоза ҳолда ажратиб олинди. Ажратиб олинган замбуруғ штаммлари маҳсус микологик усуllарда кўпайтирилди.


Нўхат вегетацияси даврида уч марта: шохланиш, гуллаш ва дуккаклаш босқичида кеч 18:00 дан сўнг ўсимлик ер устки қисмларига (поя, барг) *Ascochyta rabiei* замбуруғи споралари (1×10^5 спора/ml) билан инокуляция қилинди. Тажриба даласида нисбий намликнинг аскохитоз касаллиги ривожланиши учун қулай бўлиши учун 21 кун давомида соат 09:00 дан 17:00 гача ҳар 45 минутдан сўнг 15 минут давомида “ММ-909” аппаратида сув пуркаб турилди.

Нўхат навларининг аскохитоз касаллиги билан заарланиши шохланиш давридан бошлаб ҳар ўн кунда 9 балли шкала асосида баҳолаб борилди. Олиб борилган тадқиқотлар давомида нўхат навларининг аскохитоз касаллиги билан май ойининг биринчи ўн кунлигига энг кўп заарланганлиги аниқланган бўлса, май ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб ҳаво хароратининг $+30^{\circ}\text{C}$ дан ошиши натижасида касаллик ривожланишдан тўхтаганлиги кузатилди. Индикатор ILC 263 нави ҳамда МП 2015/1 тизмаси аскохитоз касаллиги билан 9 баллда заарланиши натижасида ўсимликлар бутунлай нобуд бўлди. Андоза Юлдуз нави 7 балл, Лаззат нави 5,8 баллда заарланганлиги кузатилди. ILC 3279 ҳамда янги Ифтихор нави ўрганилаётган бошқа навлар ва андоза навларга нисбатан аскохитоз касаллигига бардошли эканлиги олиб борилган тадқиқотлар давомида аниқланди (8-жадвал, 5-расм).

8- жадвал.

Нўхат нав ва тизмаларини сунъий заарлантирилган майдонда аскохитоз касаллиги билан заарланишини баҳолаш, балл (Фаллаорол, 2016 й).

№	Нав ва тизмалар номи	Кузатув ўтказилган саналар					
		20.04	1.05	10.05	20.05	1.06	10.06
1	Юлдуз (андоза)	3,3	5,4	7,0	6,7	6,5	6,2
2	Гулистан	2,0	3,4	5,2	4,7	4,5	4,5
3	Мустақиллик-20	2,2	4,1	6,2	5,8	5,5	5,0
4	Лаззат	1,8	3,2	5,8	4,7	4,5	4,2
5	Умид	2,7	4,8	6,1	5,7	5,2	4,7
6	ILC 3279	1,0	1,7	2,9	2,5	2,2	2,0
7	ILC 263	4,5	7,2	9,0	9,0	9,0	9,0
8	МП 2015/1	4,2	7,8	9,0	9,0	9,0	9,0
9	МП 2015/2	2,3	5,6	7,1	6,2	5,9	5,7
10	13130/1	3,4	5,9	7,2	6,7	6,1	5,3
11	14442 (Ифтихор)	1,0	1,8	3,0	2,8	2,5	2,0
12	15165	3,7	5,4	7,1	6,7	5,4	5,1
13	15917	3,4	5,0	6,2	5,7	4,2	4,0
14	17443	2,0	3,2	4,8	4,1	3,7	3,5
15	17553	2,3	5,4	7,0	6,5	5,6	5,4
16	17440	3,3	5,1	6,3	5,7	4,2	4,0



5-расм. Аскохитоз касаллиги билан сунъий заарлантирилган майдонда нўхат навларининг кўриниши.

Рақобат нав синаш майдонида ўрганилган нўхат нав намуналари ўсиши ва ривожланишига экиш муддатлари ва аскохитоз касаллиги билан зааррланишнинг таъсири.

Кўп йиллар давомида якка танлаш йўли билан дурагай комбинациялардан ажратиб олинган тизмалар босқичма-босқич селекция ва назорат майдонларида ўрганилиб, қимматли хўжалик белги ва хусусиятлари билан 13146, 14442 (Ифтихор), 14479, 14904, 14920 тизмалар танлаб олинган ҳамда рақобат нав синаш майдонида ўрганишга тавсия этилган.

Рақобат нав синаш майдонида нўхат нав намуналарини аскохитоз касаллигига бардошлилиги ва қурғоқчиликка чидамлилигини табиий дала шароитида ўрганиш мақсадида 2015-2020 йилларда март ойининг биринчи (I), иккинчи (II) ва учинчи (III) ўн кунликларида экиб ўрганилди.

Тадқиқотлар олиб борилган йилларда Юлдуз ҳамда Ифтихор навлари уруғлари униб чиқиши учун тупроқ намлиги, фойдали харорат йифиндиси ҳамда экиш муддатларига боғлиқ ҳолда 12-25 кун зарур бўлган бўлса, Лаззат навида эса бу кўрсаткич 10-24 кунни ташкил қилди (9- жадвал).

9-жадвал.

Нўхат навлари уруғлари униб чиқишига экиш муддатларининг таъсири

Йиллар	Экилган муддат	Экилган кун,ой	Униб чиқиши –кун,ой			Экилган кундан -униб чиқишигача кун		
			Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)	Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)
2015	I	10.03	03.04	02.04	03.04	25	24	25
	III	26.03	11.04	10.04	11.04	17	16	17
2016	I	04.03	20.03	19.03	20.03	17	16	17
	III	22.03	04.04	02.04	04.04	14	12	14
2017	I	10.03	29.03	28.03	29.03	20	19	20
	III	29.03	11.04	10.04	11.04	14	13	14
2018	I	06.03	21.03	20.03	21.03	16	15	16
	III	22.03	02.04	31.03	02.04	12	10	12
2019	II	14.03	31.03	30.03	31.03	18	17	18
2020	II	12.03	30.03	29.03	30.03	19	18	19

Нўхат навлари уруғлари тўлиқ униб чиққандан сўнг гуллашнинг бошланишигача бўлган кун нав биологияси, фойдали харорат йифиндиси, ёғингарчилик миқдори, хаво харорати, аскохитоз касаллиги билан зааррланиш даражаси ҳамда экиш муддатларига боғлиқ ҳолда 31-56 кунни ташкил этди. Олиб борилган тадқиқотлар давомида уруғлар униб чиқкан кундан - гуллашнинг бошланишигача бўлган кунлар Ифтихор навида 34-47 кун, андоза Юлдуз навида 33-56 кун, андоза Лаззат навида эса 31-44 кунни ташкил этди.

Нўхат навларининг уруғлари тўлиқ униб чиқиши март ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунликларига тўғри келган йилларда гуллашнинг бошланиши май ойининг биринчи ўн кунликларига мос келган ҳолда, кун ҳисобига 41-56 кунни, уруғларнинг тўлиқ униб чиқиши апрел ойининг биринчи, иккинчи ўн кунликларига тўғри келган йилларда гуллашнинг бошланиши май ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунликларига мос келган ҳолда, кун ҳисобига 31-40 кунга тўғри келди (10-жадвал).

10- жадвал.

Нўхат навларининг турли экиш муддатларида гуллашнинг бошланиши ва аскохитоз касаллиги билан заарланиши

Йиллар	Экилган муддат	Гуллашнинг бошланиши – кун,ой			Униб чиқишдан-гуллашгача кун			Аскохитоз билан заарланиши, балл		
		Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)	Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)	Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)
2015	I	09.05	07.05	09.05	36	35	36	3	1	1
	III	14.05	11.05	15.05	33	31	34	1	1	1
2016	I	05.05	02.05	06.05	46	44	47	5	3	3
	III	14.05	11.05	14.05	40	39	40	4	1	1
2017	I	10.05	08.05	12.05	42	41	44	4	1	1
	III	15.05	12.05	16.05	34	32	35	3	1	1
2018	I	03.05	01.05	03.05	43	42	43	1	1	1
	III	11.05	08.05	11.05	39	38	39	1	1	1
2019	II	12.05	10.05	12.05	42	41	42	5	1	1
2020	II	25.05	12.05	15.05	56	44	46	7	3	3

2020 йил апрел ойининг учинчи ўн кунлигига ҳаво ҳароратнинг ўртача $18,8^{\circ}\text{C}$, ҳавонинг нисбий намлиги 66%, ой ҳисобида 91,5 мм ёмғир ёғиши натижасида аскохитоз касаллигини келтириб чиқарувчи замбуруғ ривожланиши учун кулай шароит юзага келди. Вегетация даврининг шохланиш даври босқичидан бошлаб Ифтихор нави ҳамда андоза Лаззат нави аскохитоз касаллиги билан 3 баллда заарланган бўлса, андоза Юлдуз нави 7 баллда заарланди. Юлдуз навининг 7 баллда заарланиши асосий шохларда синишлар кузатилишига, гуллаш даврининг бошланиши эса Ифтихор навига нисбатан 10 кунга кечикишига олиб келди.

Нўхат навлари уруғларининг тўлиқ пишиши – тажриба олиб борилган йилларнинг экиш муддати, йиллик ёғин микдори, вегетация даврида кузатиладиган ҳаво ҳарорати ҳамда нав биологиясига боғлик ҳолда бирбиридан фарқ қилиши кузатилди.

Ифтихор навида тадқиқотлар олиб борилган йилларда гуллашдан тўлиқ пишишгача - 36-42 кун, униб чиқишдан тўлиқ пишишгача – 71-85 кунни, тўлиқ пишиш муддати 12-23 июн кунларига тўғри келди.

Андоза Юлдуз навида гуллашдан тўлиқ пишишгача - 35-41 кун, униб чиқищдан тўлиқ пишишгача – 70-91 кунни, тўлиқ пишиш муддати 11-29 июн кунларига тўғри келди. Юлдуз нави 2020 йил тажрибаларимизда аскохитоз касаллиги билан 7 баллда зааррланиши натижаси ўсув дарининг узайишига (91 кун) олиб келди (11- жадвал).

11-жадвал.

Нўхат навлари ўсув даврига экиш муддатлари ва аскохитоз касаллиги билан зааррланишнинг таъсири

Йиллар	Экипнган муддат	Тўлиқ пишиш – кун,ой			Гуллашдан- тўлиқ пишишгача кун			Униб чиқищ- тўлиқ пишиш – кун			Аскохитоз билан зааррланиши, балл		
		Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)	Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)	Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)	Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)
2015	I	17.06	11.06	18.06	39	35	40	75	70	76	3	1	1
	III	20.06	14.06	21.06	37	34	37	70	65	71	1	1	1
2016	I	17.06	7.06	13.06	37	36	38	83	80	85	5	3	3
	III	20.06	14.06	21.06	37	34	38	77	73	78	4	1	1
2017	I	16.06	10.06	18.06	37	33	37	79	74	81	4	1	1
	III	20.06	14.06	21.06	36	33	36	70	65	71	3	1	1
2018	I	11.06	07.06	12.06	39	37	40	82	79	83	1	1	1
	III	17.06	12.06	17.06	37	35	37	76	73	76	1	1	1
2019	II	22.06	16.06	23.06	41	43	42	83	78	84	5	1	1
2020	II	29.06	17.06	23.06	35	41	39	91	80	85	7	3	3

Андоза Лаззат навида гуллашдан тўлиқ пишишгача - 33-41 кун, униб чиқищдан тўлиқ пишишгача – 65-80 кунни, тўлиқ пишиш муддати 7-17 июн кунларига тўғри келди.

Нўхат навлари ўсимлик бўй узунлиги ҳамда осткти дуккакнинг ердан баландлиги - экиш муддати, ёғин миқдори, аскохитоз касаллиги билан зааррланиши ва нав биологиясига боғлиқ холда ўзгариб турди.

Олиб борилган тадқиқот йилларида андоза Юлдуз навининг бўй узунлиги иккинчи экиш муддатларида ҳамда аскохитоз касаллиги билан кучли зааррланган йилларда бошқа вариантларга нисбатан ўсимлик бўй узунлиги паст бўлганлиги кузатилди. Аскохитоз касаллиги билан 7 баллда зааррланган 2020 йилда ўсимлик бўй узунлиги 27,1 см ни ташкил қилди. 2016 йил март ойининг учинчи ўн кунлигига экилган вариантда аскохитоз касаллиги билан 4 баллда зааррланган бўлсада, ўсимлик бўй узунлиги 43,1 смни ташкил қилди. Аскохитоз касаллиги билан кучли зааррланиш (7 балл) натижасида ўсимлик бўй узунлиги ушбу касаллик билан кам зааррланган йилларга нисбатан 14,7-16,0 смга паст бўлди. Бу механизация билан ўриб

олишда исрофгарчилик кўп бўлишига, ҳосилдорликнинг кескин камайишига олиб келади.

Андоз Лаззат нави ва янги Ифтихор нави ўсимлик бўй узунлиги ҳам экиш муддатлари ҳамда йиллик ёғин микдорига боғлиқ ҳолда ўзгариб турди. Бу навларнинг ўсимлик бўй узунлигига аскохитоз касаллиги билан заарланишнинг салбий таъсири кузатилмади (12-жадвал).

12-жадвал.

Нўхат навлари ўсимлик бўй узунлиги ва остки дуукаknинг ердан баландлигига аскохитоз билан заарланиш ва экиш муддатарининг таъсири

Йиллар	Экилган муддат	Ўсимлик бўйи, см			Остки дуукаknинг ердан баландлиги, см			Аскохитоз билан заарланиши, балл		
		Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)	Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)	Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)
2015	I	38,6	41,4	40,3	16,5	17,7	20,2	3	1	1
	III	32,8	35,1	36,2	15,7	16,3	18,5	1	1	1
2016	I	33,7	49,5	48,8	13,4	25,2	24,3	5	3	3
	III	43,1	47,3	46,0	22,9	23,5	22,4	4	1	1
2017	I	33,7	38,2	36,7	18,4	19,7	20,7	4	1	1
	III	32	35,5	34,1	16,7	17,6	18,3	3	1	1
2018	I	34,8	39,1	38,3	17	23,4	23,4	1	1	1
	III	30,7	35,4	34,5	15,9	22,1	21,8	1	1	1
2019	II	32	36,4	36,3	16,5	22,9	23,2	5	1	1
2020	II	27,1	47,3	41,6	12,1	27,9	24,8	7	3	3

2020 йилда ўтқазилган тадқиқотларимиз давомида вегетация даврида ҳамда йиллик ёғин микдорининг юқори бўлиши, андоза Юлдуз навининг аскохитоз касаллиги билан 7 баллда заарланиши натижасида 1000 дона дон вазни (262 г) бошқа вариантларга нисбатан кам бўлишига олиб келди (13-жадвал).

Андоза Лаззат ва янги Ифтихор навининг 1000 дона дон вазни экиш муддатлари, вегетация даврида кузатилган ҳаво ҳарорати ҳамда йиллик ёғин микдорига боғлиқ ҳолда ўзгарганлиги кузатилди. Бу навлар аскохитоз касаллиги билан жуда кам даражада заарланишининг (3 балл) 1000 дона дон вазнига салбий таъсири кузатилмади.

Рақобат нав синовида ўрганилаётган барча нўхат нав намуналари кечки муддатларда экилганда ёки вегетация даврида ҳамда йиллик ёғин микдори кам бўлган йилларида, 1000 дона дон вазнининг бошқа вариантларга нисбатан кам бўлишига олиб келди.

Курғоқчиликка чидамлиликни дала шароитида баҳолашда ICARDA (2003) қўлланмаси асосида оптималь экиш муддатидан 20 кунга кечиктирилган ҳолда экилди. Курғоқчиликка чидамлилик белгиси -


навларнинг бошқа навларга нисбатан эрта муддатда гуллаши, гулларининг дуккакга айланиш нисбати, 1000 дона дон вазни ҳамда ҳосилдорликнинг оптимал экиш муддатига нисбатан ўзгаришига кўра 9 балли тизимда баҳоланди. Андоза Лаззат навининг дала шароитида қурғоқчиликка чидамлилиги 2 баллда, андоза Юлдуз ҳамда янги Ифтихор навлари 3 баллда баҳоланди.

13-жадвал.

Нўхат навлари 1000 дона дон вазнига аскохитоз касаллиги билан заарланиш ва экиш муддатларининг таъсири

Йиллар	Экилган муддат	1000 дона дон вазни, г			Курғоқчиликка чидамлилиги, балл			Аскохитоз билан заарланиши, балл		
		Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)	Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)	Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)
2015	I	332	210	355	-		-	3	1	1
	III	320	200	340	3	2	3	1	1	1
2016	I	265	174	350	-	-	-	5	3	3
	III	290	160	335	3	2	3	4	1	1
2017	I	332	185	351	-	-	-	4	1	1
	III	320	167	340	-	-	-	3	1	1
2018	I	294	170	335	3	2	3	1	1	1
	III	260	157	324	3	2	3	1	1	1
2019	II	303	164	369	-	-	-	5	1	1
2020	II	262	174	370	-	-	-	7	3	3

Тадқиқотлар олиб борилган йилларда янги Ифтихор нави табиий дала шароитида икки экиш муддатида ҳам аскохитоз касаллигига андоза ва бошқа навларга нисбатан бардошли эканлиги аниқланди (6-расм).



6-расм. Аскохитоз билан заарланган рақобат нав синаш майдони (Фаллаорол, 2020 йил).

Ифтихор навидан андоза Юлдуз навининг аскохитоз касаллиги билан заарланмаган варианtlариға нисбатан 0,1-1,0 ц/га, кучли заарланган варианtlарга нисбатан 5,4-7,6 ц/га юқори ҳосил олинди. Андоза Лаззат нави аскохитоз касаллиги билан табий дала шароитда деярли заарланмаган бўлсада ўртачача ҳосилдорлиги Ифтихор навига нисбатан 1,6 ц/га кам бўлди (14-жадвал).

14-жадвал.


Нўхат навлари махсулдорлигига аскохитоз касаллиги билан заарланиш ва экиш муддатларининг таъсири

Йиллар	Экилган муддат	1 туп ўсимликдаги дуккаклар сони, дона			Ҳосилдорлиги, ц/га			Аскохитоз билан заарланиши, балл		
		Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)	Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)	Юлдуз (st 1)	Лаззат (st 2)	14442 (Ифтихор)
2015	I	7,9	13,9	10,0	5,8	6,4	7,8	3	1	1
	III	8,8	13,2	8,3	6,2	5,8	6,2	1	1	1
2016	I	9,3	24,6	14,0	5,4	9,4	10,8	5	3	3
	III	11,3	25,0	13,8	7,2	8,8	10,2	4	1	1
2017	I	8,2	26,8	18,0	6,0	10,9	13,9	4	1	1
	III	14,2	27,8	16,6	10,0	10,2	12,4	3	1	1
2018	I	7,9	12,8	8,3	5,1	4,8	6,1	1	1	1
	III	5,6	8,7	5,9	3,2	3,0	4,2	1	1	1
2019	II	10,5	15,0	10,1	7,0	5,4	8,2	5	1	1
2020	II	7,3	28,7	14,5	4,2	11,0	11,8	7	3	3
Ўртacha		9,1	19,7	12,0	6,0	7,6	9,2	3,4	1,4	1,4
ЭКФ _{0,5}				0,4			0,7			0,2

Олиб борилган тадқиқотлар давомида 14442 (Ифтихор) рақамли нўхат навининг ўрганилган андоза ва бошқа навларга нисбатан аскохитоз касаллигига бардошлилиги хамда ҳосилдорлиги юқори эканлиги унинг истиқболли нав эканлигидан далолат беради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказига топширишга асос бўлади.

Лалмикор дехқончилик илмий-тадқиқот институтида яратилган нўхатнинг “Ифтихор” навидан 2018-2019 йилдаги конкурс нав синовида андоза (Юлдуз) навига нисбатан ўртacha 1,0-2,0 центнергача қўшимча дон ҳосили олинган. Жиззах ва Самарқанд вилоятларининг лалмикор ерларида экиш учун 2020 йилдан Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган (Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг 2021 йил 23 августдаги т-6/01-08-516-сонли маълумотномаси).

“ИФТИХОР” НҮХАТ НАВИННИНГ ОРИГИНАЛ УРУҒЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ СХЕМАСИ (Фаллаорол, 2020 й.)



СЕЛЕКЦИЯ ЮТУГИННИНГ ПАТЕНТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИ

Селекция ютуғи янгилик, фарқланиш, турдошлиқ ва барқарорлик мезонларига түлиқ жавоб беради.

Янгилиги - “Ифтихор” нұхат навига патент бериш ҳақидағи талабнома топширилған санадан (05.12.2017) олдин муаллиф ёки унинг меросхўрлари томонидан ёхуд уларнинг розилиги билан нав уруғликлари сотилмаган ва фойдаланиш учун бошқа шахсларга берилмаган.

Фарқланиши - “Ифтихор” нави белги ва хусусиятларига кўра энг яқин бўлган Юлдуз навидан 8 та морфобиологик белгилари бўйича ҳамда аскохитоз касаллигига нисбатан бардошлилиги, хосилдорлиги юқорилиги билан фарқланади.

т/р	Ўхаш навнинг номи	Ўхаш навни фарқлайдиган белгилар	Ўхаш нав белгиларининг ифодаланиши ҳолати	Таклиф қилинаётган нав белгиларининг ифодаланиши ҳолати (Ифтихор)
1	Юлдуз	1. Усимлик бўйи (дуккаклар тўлиқ ҳосил бўлганда)	Ўрта	Баланд
2		2. Усимлик туп тури (тўлиқ гуллагандан сўнг)	Ярим ётиқ	Тик
3		6. Барглар яшил рангининг интенсивлиги	Тўқ	Ўрта
4		7. Барг ўлчами	Ўрта	Йирик
5		14. Уруғлар ранги	Сарғиши	Сариқ-қизғиши
6		17. Уруғлар шакли	Юмалоқ	Юмалоқдан –ғадир будургача
7		19. Гуллаш вақти (80 фоиз ўсимликлар ками 1 тадан гуллагандан)	Эрта	Ўрта
8		20. Дуккакнинг тўлиқ пишиб етилиш вақти (уруғлари қурук)	Эрта	Ўрта

Турдошлиги - “Ифтихор” нави қайта кўпайтириш жараёнида ўсимликтарнинг асосий хўжалик белгилари бўйича танлаб олинган морфологик белги ва хусусиятларини ўзида саклаб қолади.

Барқарорлиги - “Ифтихор” нави бир неча марта кўпайтирилганда ҳам уларнинг келгуси авлодларида асосий қимматли хўжалик белгилари ўзгармайди.

O'SIMLIKLAR NAVIGA
PATENT
ПАТЕНТ НА СОРТ РАСТЕНИЯ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI
INTELLEKTUAL MULK AGENTLIGI
АГЕНТСТВО ПО ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ
ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

O'SIMLIK NAVIGA PATENT
ПАТЕНТ НА СОРТ РАСТЕНИЯ № NAP 00332

Ushbu patent O'zbekiston Respublikasining
"Seleksiya yutuqlari to'g'risida"gi Qonuniga asosan
quyidagi o'simlik naviqa berildi:

Настоящий патент выдан на основании Закона
Республики Узбекистан «О селекционных
достижениях», на следующий сорт растений:

«Ифтихор» нұхат нағыз
Сорт нута «Ифтихор»

Ta'labnomda kelib bushgan sanas:
Дата поступления заявки:

05.12.2017

Ta'labnomda qadamti:
Номер заявки:

NAP 2017 0034

Ustuvorlik sanasi:
Дата приоритета:

05.12.2017

Patent egasi (egalar):
Патентообладатель(и):

Дон ба дуккакли экимлар илмий-тадқиқот институти Фаллаорол
илмий-такриба станцияси, UZ
Галляяральская научно-исследовательская станция научно-
исследовательского института зерна и зернобобовых культур, UZ

O'simlik navi muallif(lar):
Автор(ы) сорта растений:

Исаев Камолиддин Туйгунович, Умурзаков Абдукарим
Абдухакимович, Эргашев Жаконгир Нодирович, Хайдаров
Бекмурод Дуссирович, Нахалбаев Жакангир Турсунбаевич, UZ

Patent O'zbekiston Respublikasining zakona hujudida 05.03.2021 yilda

patentni kuchlaq sardab tushat ictin boj o'z haqida to'langardagina 20 yil

mobaynida amal qildi.

O'zbekiston Respublikasi o'simlik naviqai davlat reestrida 05.03.2021 yilda

Toshkent shahrida ro'yxatdan o'tkazilgan.

Патент действует на всей территории Республики Узбекистан в течение 20 лет с 05.03.2021 г. при условии своевременной уплаты поштоты за поддержание в действии.

Зарегистрирован в государственном реестре сортов растений Республики Узбекистан, в г. Ташкенте, 05.03.2021 г.

Direktor
Директор

Т. Абдуллатиров



INTELLEKTUAL
MULK AGENTLIGI

ХУЛОСАЛАР

Ўтказилган тадқиқотларимиз асосида қуидаги хулосаларни қилиш мүмкін:

1. Аскохитоз касаллигига чидамли навларни яратиш учун эколого – географик узок формаларни маҳаллий шароитга мослашған юқори хосилдор навлар билан чатиширишга жалб қилиш мұхым аҳамиятга эга.

2. Илк бор Ўзбекистон лалмикор минтакаларида аскохитоз касаллигига чидамли серхосил навлар яратиша, ICARDA нұхат нав намуналари ҳамда маҳаллий Юлдуз нави иштирокида мураккаб чатишириш асосида дурагай комбинациялар олинган.

3. Дурагай комбинацияларнинг биологик хусусиятлари ва морфологик белгилари, аскохитоз касаллигига бардошлиліги ўрганилған ҳамда комплекс қимматли хўжалик белгиларга эга истиқболли тизмалар ажратилған. Ушбу тизмалар асосида якка танлаш йўли билан янги "Ифтихор" нави яратилған.

4. Олиб борилған тадқиқотлар давомида "Ифтихор" навининг андоза "Юлдуз" ва ўрганилған бошқа навларга нисбатан лаборатория шароитида, сунъий зааралантирилған майдонда ҳамда дала шароитида аскохитоз касаллигига бардошли эканлиги аниқланди.

5. "Ифтихор" навининг андоза "Юлдуз" навига нисбатан пояси тик ўсиши, ўсимлик бўйининг 5,0-6,0 смга узун бўлиши ҳамда остки дуккакнинг ердан баландлиги 15,0 см дан юқорилиги унинг хосилини механизация билан ўриб олишга яхши мослашған навлигини билдиради.

6. Нўхатнинг "Ифтихор" навини ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида андоза навларга нисбатан 2,1 ц/га қўшимча ҳосил олиниб, рентабеллик даражаси 36,2-39,8 % ни ташкил этган.

7. Нўхатнинг янги "Ифтихор" нави 2020 йилда қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилған ва республиканинг Жиззах ва Самарқанд вилоятларида районлаштирилған.

8. Янги "Ифтихор" нави учун Интеллектуал Мулк Агентлиги томонидан 2021 йилда № 00332 рақамли патент берилди.

Тавсия

Олиб борилған тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, нўхатнинг янги яратилған "Ифтихор" нави об- ҳаво серёғин келган йилларда ёки эрта экилган муддатларда учрайдиган аскохитоз касаллигига бошқа нав намуналарига нисбатан бардошли бўлиб, намлиқдан унумли фойдаланган ҳолда юқори ҳосил олиш имконини беради. Шунинг учун нўхатнинг "Ифтихор" навини Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг лалмикор майдонларида март ойининг биринчи ўн кунлигига экиш тавсия этилади.

Эълон қилинган ишлар рўйхати

I бўлим

1. Ж. Эргашев, К. Исаков, Ж. Нахалбаев, Ш. Жўраев, Ж. Нишонов. Нўхатнинг лалми майдонларда қурғоқчилик йилларидағи кўрсаткичлари. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналининг “AGRO ILM” иловаси.- 2016 й. - № 1. - Б. 16.
2. Ж. Нахалбаев, Ж. Эргашев, А. Умурзаков. Лалмикор майдонларда нўхатнинг бошланғич манбаларини танлаш натижалари // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналининг“AGRO ILM” иловаси. - 2017 й. - № 1. - Б. 29-30.
3. Ж.Т. Нахалбаев, К.Т. Исаков, А.А. Умурзаков. Нўхат нав намуналари тизмаларида экиш муддатлари ўзгаришининг аскохитоз касаллиги билан заарланиши ва ҳосилдорлигига таъсири. // "Агро кимё-химоя ва ўсимликлар карантини" илмий-амалий журнали. -2020 й. - № 1. - Б. 11-14.
4. Ж.Т. Нахалбаев, И.Х. Хамдамов. Оценка поражаемости аскохитозом сортов и линии нута в полевых условиях Узбекистана. // Аграрная наука. – Москва, 2020. - №6. - ст. 74-77.

II бўлим

5. Эргашев Ж.Н., Нишонова У.Қ., Нахалбаев Ж.Т. Лалмикор майдонларда нўхатнинг истиқболли нав намуналари. // “Қишлоқ хўжалигида ресурстежамкор технологияларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. 20-21 ноябр, Самарқанд-2014. - Б. 80-83.
6. Нахалбаев Ж.Т., Эргашев Ж.Н., Мураткасимов. А.А. Лалмикор майдонларда нўхатнинг касаллик ва қурғоқчиликка чидамлилик кўрсаткичлари. // “Қишлоқ хўжалигида ресурстежамкор технологияларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. 20-21 ноябр, Самарқанд-2014. - Б. 117-120.
7. Исаков К.Т., Умурзаков А.А, Нахалбаев Ж.Т. Лалми ерларда нўхатнинг янги нав ва тизмаларнинг ҳосилдорлиги. // “Фундаментал фан ва амалиёт интеграцияси: муаммолар ва истиқболлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. 24-25 май , Тошкент-2018. - Б. 222-224.
8. Нахалбаев Ж.Т. Нўхат нав намуналари ва тизмаларини фитопатоген микромицетларга чидамлилигини *in vitro* усулида аниқлаш. // “Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги Халқаро илмий - амалий конференцияси материаллари тўплами, II қисм. 10-11 январ. Тошкент- 2020. - Б.843-849.
9. Ж.Т. Нахалбаев. Нўхат нав намуналарини аскохитоз касаллиги билан заарланишини баҳолаш. // “Бошоқли ва дуккакли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги, ер ва сув ресурсларини тежовчи етиштириш

- агротехнологияларини тақомиллаштириш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция түплами. Қарши- 2020.- Б. 126-130.
10. Ж.Т. Нахалбаев, К.Т. Исаков. “Ифтихор” нұхат навининг бирламчи уруғчилегини ташкил этиш. // “Озиқ-овқат хавфсизлиги:миллий ва глобал омиллар” мавзусидаги III-Халқаро илмий-амалий конференциялар материаллари түплами. Самарқанд, 2021 йил 15-16 октябр. - Б. 173-175.
11. Ж.Т. Нахалбаев, К.Т. Исаков. Рақобат нав синаш майдонидаги нұхат навларининг хосилдорлиги. // “Озиқ-овқат хавфсизлиги:миллий ва глобал омиллар” мавзусидаги III-Халқаро илмий-амалий конференциялар материаллари түплами. Самарқанд, 2021 йил 15-16 октябр. - Б. 176-177.
12. К.Т. Исаков, А.А. Уурзаков, Ж.Нахалбаев, Б. Қўшматов. Лалмикор майдонларда дуккакли дон ва ем-хашак экинларини етиштириш бўйича тавсиялар. // Тавсиянома. «Тафаккур» - нашриёти. Тошкент-2020.